

Кечасида бир соат бор | Сийрат дарслари (266-дарс)



19:00 / 26.01.2024 4282

360. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким яхшилаб таҳорат қилсаю, сўнгра жумага бориб тингласа, жим ўтирса, унинг бу билан ўтган жума орасидаги ва яна зиёда уч кунлик (гуноҳлари) мағфират қилинади. Ким (сажда учун) майда тошларга (беҳуда) тегинса, ортиқча иш қилибди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

361. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларини эшитдим:
«Кечасида бир соат бордир. Муслмон одам Аллоҳдан дунё ва охират ишидан яхшилик сўраган ҳолида мувофиқ келиб қолса, албатта, мазкур нарсани унга беради. Ҳар кеча шундай бўлади».

Муслим ривоят қилган.

362. Умму Ҳабиба розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Ким бир кеча-кундузда ўн икки ракат намоз ўқиса, улар туфайли унга жаннатда уй бино қилинади»**, деганларини эшитдим».

Умму Ҳабиба: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганимдан буён уларни тарк қилмадим»**, деди.

Анбаса: **«Умму Ҳабибадан эшитганимдан буён уларни тарк қилмадим»**, деди.

Амр ибн Авс: **«Анбасадан эшитганимдан буён уларни тарк қилмадим»**, деди.

Нуъмон ибн Солим: **«Амр ибн Авсдан эшитганимдан буён уларни тарк қилмадим»**, деди».

Муслим ривоят қилган.

(Бу ҳадисда зикр қилинган ўн икки ракат намоз ҳар куни мунтазам ўқилиши тавсия қилинган нафл намозлардир: ишроқ, зуҳо, завол суннати, аввабин ва таҳажжуд. – Тарж.)

363. Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кишининг ўз уйидаги фарз намозидан бошқа намози менинг ушбу масжидимдаги намозидан афзалдир»**, дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Хузайма ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.

